

Ҳоким фуқаро мурожаатни жойида бориб ўрганди

Хабар берганимиздек, кеча туман Халқ қабулхонасида туман ҳокими Расулжон Жўраевнинг фуқаролар қабули бўлиб ўтган эди.

■ Қабулда туманидаги "Хамид Олимжон" маҳалла фуқаролари йиғини Мададкор кўчаси 35-хонадонда яшовчи фуқаро У.Мирсаидова, туман ҳокимлиги томонидан тамал тоши қуйилган айни кунда қад кўтариб сувоқлари қилинган уйга қурилиш материаллари кераклиги ва қурилиш ишларида амалий ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилган эди.

Расулжон Жўраев фуқаро мурожаатига жавобан мутахассислар билан жойига бориб ўрганиш олиб борилишини айтган эди.

Бугун туман ҳокими сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот масъуллари билан юқоридаги манзилдаги уйда яшовчи фуқаро билан учрашиб мурожаатлари жойида ўрганилди.

Ўрганиш давомида уй қурилиши якуни ва кўча дарвозаси ўрнатилиши режалаштирилди ва масъулларга кўрсатмалар бериб ўтилди.

Шунингдек, фуқаро билан сұхбат якунида унинг мурожаати масъуллар билан фикр алмашилиб, қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатилиши бўйича маълумот берилди.

Бешарик тумани ҳокимлиги Ахборот хизма

2023-11-27 08:05:20